



TRADE RELATIONS BETWEEN BUKHARA AND INDIA IN THE 80-90S OF THE 19TH CENTURY

Fayzulla Ochildiyev
Professor, Doctor of sciences History
National University of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan
E-mail: fayzullaochildiev@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: Bukhara Emirate, Karshi, Sherabad, India, Afghanistan, Kashmir, Central Asia, Russia, trade, products, pood, ruble, rice, indigo, green-black tea, Nile dye, English gauze.

Received: 24.10.24

Accepted: 26.10.24

Published: 28.10.24

Abstract: the article examines the trade of Bukhara with India in the 80-90s of the 19th century. It has also been analyzed that there is a high demand for Indo-English products manufactured in India in the Bukhara Emirate and that Bukhara products are popular in India. In the 80s and 90s of the 19th century, Indo-English and European products were popular in the markets of the Bukhara Emirate. During this period, it was studied that goods produced in Russia were not highly competitive in the markets of the emirate and Turkestan compared to products imported from India, England and Europe.

XIX АСРНИНГ 80-90-ЙИЛЛАРИДА БУХОРО – ҲИНДИСТОН САВДО АЛОҚАЛАРИ

Файзулла Очилдиев
Профессор, Тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Миллий Университети
Тошкент, Ўзбекистон
E-mail: fayzullaochildiev@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, Қарши, Шеробод, Ҳиндистон, Афғонистон, Кашмир, Ўрта Осиё, Россия, савдо, маҳсулотлар, пуд, рубль, шали, индога, кўк чой, кора чой, нил бўёғи, инглиз докаси.

Аннотация: мақолада XIX асрнинг 80-90-йилларида Бухоро – Ҳиндистон ўртасида амалга оширилган савдо-сотик ишлари ёритилган. Шунингдек, Бухоро амирлигида Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган хинд-инглиз маҳсулотларига талаб юқори бўлганлиги, Бухоро маҳсулотлари эса Ҳиндистонда

харидоргир бўлганлиги таҳлил қилинган. XIX асрнинг 80-90-йилларида ҳинд-инглиз ва Европадан келтирилган маҳсулотлар амирлик бозорларида харидоргир бўлганлиги қайд этилган. Бу даврда эса Россияда ишлаб чиқарилган савдо моллари амирлик ва Туркистон бозорларида ҳинд-инглиз ва Европадан келтирилган маҳсулотларга нисбатан рақобатдошлиги юқори бўлмаганлиги ўрганилган.

ТОРГОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ БУХАРЫ И ИНДИИ В 80-90-Х ГОДАХ XIX ВЕКА

Файзулла Очилдиев
Профессор, Доктор исторических наук
Национальный университет Узбекистана
Ташкент, Узбекистан
E-mail: fayzullaochildiev@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Бухарский эмират, Карши, Шерабад, Индия, Афганистан, Кашмир, Средняя Азия, Россия, торговля, продукты, пуд, рубль, рис, индиго, зеленый-черный чай, нильский краситель, английская марля.

Аннотация: в статье рассматривается торговля Бухары с Индией в 80-90-х годах XIX века. Также было проанализировано, что в Бухарском эмирате существует высокий спрос на индо-английскую продукцию, производимую в Индии, и что бухарская продукция пользуется популярностью в Индии. В 80-х и 90-х годах XIX века на рынках Бухарского эмирата была популярна индо-английская и европейская продукция. Было изучено, что в этот период товары, производимые в России, не имели высокой конкурентоспособности на рынках эмирата и Туркестана по сравнению с продукцией, привезенной из Индии, Англии и Европы.

КИРИШ

XIX асрнинг 80–90-йилларида Шарқ тижорат дунёсининг йирик савдо марказларидан саналган Бухоро амирлиги Ҳиндистон билан изчил савдо алоқаларини олиб борди. Бу даврда Бухоро, Қарши, Ғузур, Термиз, Шеробод, Ҳисор каби шаҳарлар амирликнинг асосий савдо марказлари ҳисобланган. Бухоролик савдогарлар Афғонистоннинг Қобул, Хирот ва Қандаҳор шаҳарларидан ўтувчи қарвон йўллари орқали Ҳиндистоннинг йирик савдо марказлари Пешовар, Шикапур, Бомбей, Мўлтон ва бошқа шаҳарлари билан қизғин савдо ишларини олиб боришган. Ҳинд маҳсулотларига нафақат амирликда балки, Ўрта Осиёда ҳам талаб юқори бўлиб, бозорларда харидоргир бўлган.

Ҳиндистондан келтирилган савдо моллар Бухоро, Қарши, Шеробод каби йирик шаҳарлар бозорларига келтирилиб амирлик ва Туркистоннинг турли ҳудудларига тарқатилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

XIX асрнинг 60–80-йилларига келиб, Бухоро амирлигидан Ҳиндистонга кўпроқ хом ипак, ип-газлама, жун, эчки тивити, от, гиламлар, бодом, майиз, қуруқ мевалар, Россия ва Бухоро олтини, кумуш пуллар, Россиядан келтирилган гулдор духобалар экспорт қилинган савдо молларининг асосини ташкил қилган. Ҳиндистондан кўк чой, гуруч, нил бўёғи, инглиз маҳсулотлари кўпроқ олиб кирилган. Бу даврда чой савдоси икки мамлакат ўртасида олиб борилган савдонинг асосини ташкил этган. Шунингдек, Бухоро бозорларига рус савдогарлари томонидан ҳам Хитойнинг Кяхтасидан келтирилган кўк ва қора чойлар олиб келинган. Улар ҳинд чойларига нисбатан бозорларда анча арзон сотилган. Лекин Хитой чойларининг бозорларда нархи арзон бўлишига қарамасдан аҳоли ўртасида уларга нисбатан талаб анча кам бўлган. Ҳинд чойларининг сифати хитой чойлари билан бемалол рақобат қилган. Шу сабабли ҳинд чойлари амирлик бозорларида харидоргир бўлган. Пешовардан келтирилган гуручлар ҳам Бухоро бозорларида харидоргир бўлиб, бошқа ҳудудлардан олиб келинган гуручларга нисбатан анча арзон нархларда сотилган. Маълумотларга кўра, Қарши шаҳрида Пешовар гуручининг 1 фунти 20 тийиндан сотилган [1].

XIX асрнинг 60–80-йилларида ҳинд-инглиз ва Европадан келтирилган маҳсулотлар савдоси Ўрта Осиё бозорларида етакчилик қилган. Бу даврда эса Россияда ишлаб чиқарилган савдо моллари амирлик ва Туркистон бозорларида ҳинд-инглиз ва Европадан келтирилган маҳсулотларга нисбатан рақобатдош эмасди. Рус ҳукмати Ўрта Осиё бозорларида ўзининг нуфузини ошириш ва бозорларни монополияга айлантириш учун 1868 йилда Туркистон ҳудудига Европада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни олиб киришни тақиқлашга доир қонун қабул қилди[2]. Лекин бу фармонда эса инглиз-ҳинд ва Европа молларининг Бухоро амирлиги бозорларига киритилиши борасида тақиқ кўйилмаганди[3]. Европада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг Туркистон ҳудудига олиб кирилишининг тақиқланиши натижасида амирлик бозорларида Европадан келтирилган маҳсулотлар йирик миқдорда тўплана борди. Эндиликда Бухоро бозорларидан инглиз-ҳинд газламалари, чой, нил бўёғи ва Европадан келтирилган маҳсулотларни Туркистон ўлкасига олиб кириш бир неча мартага ўсди. Бу жараён Ўрта Осиёда савдо марказ вазифасини ўтаган Бухоро бозорларининг мавқеини янада ошириб юборди.

Рус ҳукмати Ҳиндистондан Бухорога олиб кириладиган чой ва бошқа инглиз-ҳинд молларининг савдосини синдириш ва унга рақобат қилиш учун бир қанча ҳаракатларни

амалга оширди. Масаланн, 1868 йилдан бошлаб Россиялик савдогарларга Кяхтадан Иркутск орқали Хитой чойини божсиз олиб келишга рухсат беради. Лекин рус ҳукуматининг чой савдоси борасида амалга оширган чора-тадбирлари ўзининг кутилган самарасини бермади. 1889 йилга келиб эса Хитой чойни божсиз олиб кириш учун рус савдогарларига берилган имтиёз бекор қилинди. Рус ҳукумати ҳинд чойининг Бухоро амирлиги ва Туркистонга кириб келиши борасида қанчалик ҳаракат қилмасин ўзининг кўзлаган натижасига эришаолмаган. Буни 1875 –1889 йиллар ичида Ҳиндистондан Ўрта Осиёга чой олиб кириш 5 бараварга, Хитойдан олиб кириш эса бор-йўғи 5 фоизга ўсгани билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, 1886 йил октябрь ойида Ҳиндистондан Афғонистон орқали Бухоро амирлигига 200 дан ортиқ туяда чойнинг олиб кирилишини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим[4].

XIX асрнинг 80-90-йилларида Бухоро амирлигининг Ҳиндистон билан олиб борилган савдо алоқалар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Бухородан Ҳиндистонга экспорт қилинган савдо молларининг асосини ипак ва пахта матолари, куй териси, олтин, жун кўйлаклар шу жумладан, Россияда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ташкил этган. Ҳиндистондан Бухорога Кашмир шали, нил бўёғи, шойи газламалар, жундан тайёрланган маҳсулотлар, гиламлар, чой, енгил саноат маҳсулотлари, дори-дармонлар олиб кирилган[5]. Ҳиндистондан келтирилган сара маҳсулотларни бухоролик савдогарлар Туркистондан ташқари Россия ва Европа давлатларига ҳам олиб борганлиги ва ундан катта фойда кўргани тўғрисида маълумотлар келтирилган. Масалан, Кашмир шалисининг 1 донасини Бухоро шаҳрида 100 дан 300 тиллагача ёки 250 рублдан 300 рублгача харид қилиш мумкин бўлган бўлса, Россия шаҳарларида 400 рублдан 1000 рублгача баҳоланган. Амирликда ном чиқарган машҳур савдогарлардан бири Марқаев Ҳиндистондан Бухорога олиб келинган Кашмир шалисини (бир йилда 600 донадан ортиқ) Россиянинг Оренбург шаҳрига олиб бориб сотиш билан шуғулланиб келган [6].

1887 йилда Ҳиндистондан Афғонистон орқали Бухоро бозорларига 15 га яқин савдо карвонлари кириб келган. Бу карвонларда жами 1400 та бўҳчада дока ва оқланмаган чит, 250 дона шолча, шу жумладан 50 дона Кашмир шолчаси, 300 дона олтин суви югуртирилган кимхоб ва бошқа маҳсулотлар олиб кирилган. Э.Я.Люстерникнинг Россия-Ҳиндистон савдо алоқаларига бағишлаган асарида Ҳиндистондан Бухоро амирлигига олиб кирилган маҳсулотлар борасида ҳам муҳим маълумотлар берилган. Масалан, 1889 йилда Ҳиндистондан Афғонистон орқали Бухорога 2 млн 924420 рубль, 1890 йилда эса 2 млн 336 минг рубллик савдо маҳсулотлари олиб келингани таъкидланган[7].

XIX асрнинг 80–90-йилларида Бухоро амирлигининг Ҳиндистон билан олиб борилган савдо алоқалари борасида А.Ф.Губаревич-Родобльский ҳам муҳим маълумотлар ёзиб қолдирган. 1889 йили Ҳиндистондан Қобул орқали Бухоро амирлигига 35400 пуд Хитой чойи, 11360 пуд ҳинд кўк чойи, 14 минг пуд индиго, 6320 пуд дока рўмол, 90 пуд амбарсари шалиси, 170 пуд ҳинд парчаси, 720 пуд қалин оқ сурп (пахтадан тўқилган мато) – жами 3 млн 375584 рубллик моллар олиб кирилган. 1890 йилда эса Бухоро бозорларига 10200 пуд Хитой чойи 570 пуд ҳинд кўк чойи, 7200 пуд индиго, 3040 пуд дока рўмол, 60 пуд амбарсари шалиси, 40 пуд Кашмир шалиси, 70 пуд ҳинд парчаси, 40 пуд қалин оқ сурп – жами 1 млн 147, 500 рубллик маҳсулотлар келтирилганлигини кўришимиз мумкин[8]. Бу йилларда Ҳиндистон Бухорога экспорт қилинган маҳсулотлар миқдорини таҳлил қиладиган бўлсак Э.Я.Люстерник ва А.Ф.Губаревич-Родобльскийларнинг бу борада келтирган маълумотлари бир-бирига мос келмаслиги ва улар ўртасида тафовутлар мавжуд.

Бухоро амирлиги XIX асрнинг 80–90-йилларида Россия империясига вассал бўлишига қарамай, Туркистон ва Хива хонлиги бозорларини Ҳиндистондан келтирилган кўк, қора чой, нил бўёғи, инглиз докаси билан таъминловчи марказ сифатидаги мавқеини сақлаб қолди. Масалан, 1891 йили Ҳиндистондан Бухорога 97495 пуд чой келтирилган бўлса, шундан 35181 пуди Туркистон ўлкасига чиқарилган[9]. Амирликнинг ташқи бозорларга чиқариладиган экспорт асосий маҳсулотлардан бирини ипак ташкил қилган. Бухорода етиштирилган ипак ва ипакдан ишланган маҳсулотларга Ҳиндистонда талаб юқори бўлган. Шу сабабдан ҳиндистонлик савдогарлар амирлик ҳудудларида доимий ва вақтинча яшаб судхўрлик билан шуғулланиб, Бухоро ипагини маҳаллий аҳоли ва бозорлардан қиммат нархларда сотиб олишган. 1899 йилда Бухоро амирлигидан Ҳиндистонга чиқарилган бир йиллик ипак савдосига эътибор қаратадиган бўлсак, 3 мингдан ортиқ туя ва отлик қарвонда ипак чиқарилган. Бу ипакнинг умумий ҳажми 24 минг пудни, қиймати эса 4 млн 800 минг рублга баҳоланган [10].

XIX асрнинг 90-йилларида икки давлат ўртасида амалга оширилган савдо алоқаларига назар ташлайдиган бўлсак тули миқдордаги статистик маълумотлар келтирилган бўлиб, булар бир-бирига мутоносиб эмаслигига гувоҳ бўламиз. А.Соколов асарида берилган маълумотларга кўра, 1891 йилда Ҳиндистондан Бухорога олиб кирилган савдо молларининг умумий қиймати 2 млн 039 минг рубль, 1892 йилда эса 910592 рубллик савдо моллари олиб кирилгани акс этган. А.Ф.Губаревич-Родобльский эса 1891 йилда 37200 пуд Хитой кўк чойи, 14880 пуд индиго, 6080 пуд дока рўмол, 400 пуд қалин оқ сурп маҳсулотларнинг умумий нархи 2 млн 213, 200 рублга етганини қайд қилган[11].

Шунингдек, унинг асарида 1892 йилда Ҳиндистондан Қобул орқали Бухоро амирлигига 18912 пуд хитой кўк чойи, 660 пуд индиго, 1392 пуд дока рўмол жами 977920 рубллик маҳсулот етказиб берилгани ёзилган. И.А.Ремез ўзининг асарида Бухоро амирлигининг хориж давлатлари билан олиб борган ташқи савдо алоқалари тўғрисида кўплаб муҳим статистик далилларни келтирган. Шу жумладан 1892 йилда Ҳиндистондан амирлик ҳудудига 911 минг рубллик савдо моллари олиб кирилганлиги таъкидланган[12].

XIX асрнинг 90-йилларида Бухоро Ҳиндистон ўртасида олиб борилган савдо алоқалари тўғрисида А.Ш.Ёров ҳам ўзининг илмий ишида маълумотлар келтириб ўтган. Масалан, Ҳиндистондан Бухоро амирлигига 1893 йили 1835312 рубллик, 1894 йилда эса 1066344 рубллик савдо моллари[13] олиб келтирилгани қайд қилинган. Ҳиндистон билан Ўрта Осиё халқлари қадимдан қуруқлик ва сув йўллари орқали савдо-сотиқ ишларини амалга ошириб келган. Бизга маълумки, бу анъана сўнгги ўрта асрларга келиб тараққий этиб борди. 1891–1892 йилларда Амударёнинг Чўчкагузар кечуви орқали (Амударёда Бухоро амирлиги ҳудудига ўтувчи 10 га яқин кечувлар мавжуд бўлган) Шерободга 11 минг пуд кўк чой, 4 минг пуд нил бўёғи, минг пуд дока ва бошқа маҳсулотлар олиб ўтилган. Кўк чойнинг 4 хил: лунка – олий нав, лунка наузгур, патта ва кепак навлари олиб кирилган. Амирлик бозорларида 1 пуд лунка нави 44 тилла, лунка наузгур 22 тилла, патта 14 тилла, кепак 11 тилла, нил бўёғининг 1 пуди эса 14 тилладан сотилган[14].

Бухоро–Ҳиндистон савдо алоқаларини ўрганишда Самарқанд губернаторининг Россия ҳукуматига тақдим қилган ахборотномаси ҳам муҳим статистик маълумотлар ҳисобланади. Масалан, 1891 йилда Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳридан Бухоро амирлигига Афғонистон орқали 44 минг пуд чой (1 млн 760 минг рубль), 160544 пуд дока рўмол (418387 рубль), умумий нархи 2 млн 178387 рубллик савдо моллари; Эрон орқали эса 53459 пуд чой (1 млн 667290 рубль), 48480 пуд дока рўмол (104160 рубль), 4697 пуд индиго (161395 рубль) – жами 1 млн 935845 рубллик ҳинд маҳсулотлари амирлик ҳудудига олиб кирилгани баён қилинган[15].

Бухоро–Ҳиндистон савдо алоқалари тўғрисида келтирилган маълумотларнинг таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, 1892 йилга келиб Ҳиндистондан Бухорога олиб кирилган савдо молларининг миқдори ва суммаси сезиларли даражада қисқариб кетганлиги кузатилади. Бу икки мамлакат ўртасидаги олиб борилган савдо миқдорининг камайиб кетишига қуйидаги омилларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу даврда Ҳиндистонда вабо эпидемияси тарқалиб мамлакат иқтисоди ва ташқи савдо алоқаларининг тараққиётини бир мунча танг аҳволга солиб қўйганди. Шунингдек,

Афғонистонда шу йили Хазар қабилалари томонидан қўзғолон кўтарилиб, савдо қарвонларининг келишига ўз таъсирини ўтказган.

XIX асрнинг 90-йилларида Бухоро–Ҳиндистон савдо алоқаларида Ҳиндистондан келтирилган моллар улуши юқори бўлган. Амирлик ҳудудига асосан инглизларнинг фабрикаларида ишлаб чиқарилган ва чой маҳсулотлари олиб кирилиб, савдонинг асосини ташкил қилган. Бу даврда Бухородан олиб чиқилган маҳсулотларнинг салмоғи анча кам бўлганлигини кўриш мумкин. Бунинг сабабини қуйидагича изоҳлаш мумкин: Биринчидан, амирлик билан Афғонистон ўртасида қизғин савдо алоқалари олиб борилиб йирик миқдорда маҳаллий ва рус маҳсулотлари чиқарилган; иккинчидан Ҳинд савдогарлари Бухорода ишлаб чиқарилган ва рус маҳсулотларини Афғонистондан харид қилиш уларга анча қулай ва арзонга тушган.

XIX асрнинг охирига келиб, Ҳинд-инглиз маҳсулотларини Бухоро амирлигига олиб киришга Россия ҳукумати томонидан тақиқлар жорий қилинди. Чой Ўрта Осиё ва Россияда етиштирилмаганлиги сабабли чойга нисбатан тақиқ бўлмаса-да, чой савдоси билан шуғулланувчи савдогарларга катта миқдорда бож тўлаш жорий қилинди. Лекин шундай бўлишига қарамай, чойни Бухорога олиб кириш тўхтаб қолмади. Баъзи маҳсулотларни ҳисобга олмаганда чой савдоси ўзининг ўрнини сақлаб қолди.

Бухоро амирлиги ўзининг сиёсий мустақиллигини 1868 йилда йўқотган бўлса, 1895 йилга келиб иқтисодий мустақиллигини ҳам қўлдан бой берди. 1895 йилнинг ўрталаридан бошлаб Бухоро–Афғонистон чегарасида Калиф, Чўчкагузар, Паттакесар, Айваж каби рус божхона бўлимлари ташкил этилди. Шундан сўнг, Афғонистондан ҳинд, инглиз ва бошқа хориж маҳсулотларини Бухоро амирлигига олиб киришни Россия ҳукумати тақиқлаб қўйди. Тақиқ қўйилмаган маҳсулотларга эса маҳсулот қийматидан келиб чиқиб 5 фоиздан бож тўлаш тартиби жорий қилинди[16].

1895 йилга қадар Ҳиндистондан Бухорога йилига 4-5 млн рубллик маҳсулотлар олиб кирилган бўлса, Бухоро амирлиги Россия божхона тизимига киритилгандан сўнг, Ҳиндистон, Афғонистон ва бошқа хорижий мамлакатлардан кириб келадиган савдо молларининг ҳажми кескин қисқариб кетди. 1895 йилдан сўнг, Ҳиндистондан Бухорога киритилган савдо молларининг қиймати йилига 800 минг рублдан ошмаган[17]. А.Ф Губаревич-Родобильский 1895 йилга қадар Бухоро бозорлари инглиз-ҳинд моллари билан тўлиб тошган бўлса, 1895 йилги тақиқдан сўнг, Шанхай ва Кяхтадан келтирилган чойлар ва рус маҳсулотлари амирлик бозорларини эгаллаб бошлади деб таъкидлаб ўтган[18].

Лекин амирлик бозорларидаги чой савдосини рус савдогарлари тўлақонли равишда ўз қўлларида тутиб тура олмаган. 1900 йил 20 мартда Бухородаги рус сиёсий агенти В.Игнатъев Туркистон генерал-губернатори Ивановга “Бухоро амирлигида чой савдоси тўғрисида” берган ахборотида амирлик ҳудудига чойни 2 та афғон ва Машҳаддан 3 та форс фирмаси олиб киришини ҳисобга олмаганда, Бухоро бозорларига чойнинг асосий қисмини пешоварлик савдогарлар олиб кирганлиги баён қилинган[19]. Д.Н.Логофет ҳам Ҳиндистондан Бухорога келтирилган чой миқдори бироз камайганини ҳисобга олмаганда, Бухоро бозорларида ҳиндлар етакчилик қилишини таъкидлаган[20]. Ҳиндистондан келтирилган савдо молларининг баҳоси амирлик бозорларида юқори бўлиб, маҳсулот турларига қараб нархланган. Масалан, Хитой кўк чойининг 1 пуди 41 рубль, ҳинд кўк чойининг 1 пуди 20 рубль, 1 пуд индиго 34 рубль, 1 пуд дока рўмол 54 рубль, 1 пуд амбарсари шалиси 150 рубль, 1 пуд Кашмир шалиси 480 рубль, 1 пуд ҳинд парчаси 650 рубль, 1 пуд калин оқ сурп 35 рублдан сотилган[21].

ХУЛОСА

Тарихдан бизга маълумки, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасида қадимги даврдан бошлаб савдо алоқалари олиб борилган. Бу жараён XIX асрнинг иккинчи ярми – XX бошларида ҳам изчил давом этган. Жумладан, сўнгги ўрта асрларга келиб, Бухоро амирлиги ҳам Ҳиндистон билан қизгин савдо алоқаларини олиб борди. Бухоро амирлиги ўзининг сиёсий (1868 йил) ва иқтисодий (1895 йил) мустақиллигини қўлдан бой бергандан сўнг, икки мамлакат ўртасида амалга оширилган савдо ишларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. XIX асрнинг охирига келиб, Россия ҳукумати томонидан инглиз-ҳинд молларини Бухоро ва Туркистонга олиб кириш учун қўшимча божлар жорий қилинди. Баъзи турдаги ҳинд маҳсулотларини амирлик ҳудудига олиб кириш таъқиқланди. Натижада, XX бошларига келиб, Бухоро - Ҳиндистон ўртасида маҳсулот айирбошлаш сезиларли даражада камайди. Россия ҳукумати Бухоро-Ҳиндистон ўртасида амалга оширилган савдо ишларини чеклаш мақсадида қанчалик қўшимча солиқ ва божлар жорий қилмасин икки давлат ўртасида олиб борилган савдони тўлиқ тўхтата олмади.

АДАБИЁТЛАР

1. Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. Т.: ABU MATBUOT-KONSALT. 2008.– Б. 82.
2. ЎзМА, И. 1-жамғарма, 20-рўйхат, 1394-иш., 8-варақ
3. Ёров А.Ш. Бухарский эмират на мировом рынке (вторая половина XIX – начало XX столетия): Душанбе. 2005. – С. 95.
4. Бера А. История всемирной торговли. – М., 1876. – С. 66.

5. Михалева Г.А. Торговые и посольские связи России со среднеазиатскими ханствами через Оренбург (вторая половина XVIII – начале XIX вв.). – Ташкент: Фан, 1982. – С. 74.
6. Люстерник Е.Я. Русско-индийские экономические связи в XIX веке. – М., 1958. – С. 54.
7. Губаревич-Родобльский А.Ф. Материалы для изучения хлопководства. – СПб. 1912. Вып. II. – С. 107.
8. Туркестанский сборник. Том. 526. – С. 7.
9. Петровский Н.Ф. Шелководство и шелкомотаниев Средней Азии. – Тифлисъ: Типография К.П. Козловскаго. 1904. – С. 7.
10. Губаревич-Родобльский А.Ф. Материалы для изучения хлопководства ... – С. 107.
11. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент: ЦСУ Туркеспублики, 1922. – С. 15.
12. Ёров А.Ш. Бухарский эмират на мировом рынке ... – С. 95.
13. Очилдиев Ф.Б. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. Т.: ABU MATBUOT-KONSALT. 2008.– Б. 1143.
14. Губаревич-Родобльский А.Ф. Материалы для изучения хлопководства ... – С. 107– 108.
15. Раззоқов Д.Х. Бохоро хонлигининг ташқи савдо алоқалари (XIX асрнинг 60-90 йиллари):– Тошкент: 1994. Б. 112.
16. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны ... – С. 18.
17. Губаревич-Родобльский А.Ф. Экономический очерк Бухары и Туниса ... – С. 106.
18. ЎзМА, И 2-жамғарма, 1-рўйхат, 66-иш, 14-варак.
19. Логофет Д.И. Бухарское ханство под протекторатом России. Т. I. – СПб., 1911.– С. 181.
20. Губаревич-Родобльский А.Ф. Материалы для изучения хлопководства ... – С. 107.
21. Fayzulla, O. (2020). The craftsmanship of the emirate of bukhara at the second half of the XIX century-the beginning of the xx century. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research*,2(11), 33-38.
22. Ochildiev, F. B. (2019). The creation of the amudarya fleet. *ISJ Theoretical & Applied Science*,10(78), 583-586.

23. Ochildiyev, F. B. (2023). TRADE RELATIONS OF THE EMIRATE OF BUKHARA WITH INDIA IN THE 60-80 YEARS OF XX CENTURY. *Journal of Social Sciences and Humanities Research Fundamentals*, 3(06), 38-45.

24. Холикулов, А. (2021). Некоторые комментарии к двусторонним отношениям Бухарского ханства и Российского царства. *Общество и инновации*, 2(10/S), 561-571.

25. Kholikulov, A. B. "BUKHARA EMIRATES FARMING IN THE XIX-

26. XX CENTURIES (IN THE CASE OF KASHKADARYA OASIS STABLES)." *Theoretical & Applied Science* 4 (2019): 546-549.

27. Khaydarov, Z. B. (2023). TRADING CENTERS OF THE BUKHARA EMIRATE IN THE SECOND HALF OF THE 19TH AND EARLY 20TH CENTURIES. *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 3(04), 1-9.

28. Muhamedov, Y. (2021, November). Chach As The Administrative Center Of The

29. Western Khanate. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 75-79).